

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Д. Анваров</b>	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
<b>М. Жўраев</b>	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
<b>З. Раҳимов, Д. Гуломов</b>	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
<b>М. Ғаниев</b>	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
<b>М. Хамидов</b>	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....	180
<b>Р. Умурзаков</b>	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....	186
<b>И. Саймуратова</b>	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....	190
<b>Д. Тўраева</b>	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....	195
<b>Н. Бўриева</b>	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
<b>Н. Ҳамраев</b>	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....	204
<b>Х. Убайдуллаев</b>	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....	208
<b>М. Батирханова</b>	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
<b>Ш. Хасанова</b>	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
<b>Г. Турдиева</b>	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
<b>Л. Галимуллина</b>	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
<b>Н. Гофурова</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....	226
<b>У. Маҳмудова</b>	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....	229
<b>З. Акбарова</b>	
Концепт ва лисоний онг .....	233
<b>З. Тожиматова</b>	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
<b>Х. Хусамбоева</b>	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....	238
	<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>
Адабиётимиз фидойиси .....	241

Фергане развито кузнечное ремесло и пишет следующее: “В окрестностях Минка и Марасманда производятся железные принадлежности, они распространены по всему Хорасану, и [даже] используются в ал-Ираке. Потому что обработка Ферганского железа [до того] лёгкая, что можно дать ему любую форму и изготовить [всевозможные] предметы. [Поэтому] своим умом и сообразительностью могут смастерить редкостные вещи” [3,29].

В произведении “Худуд ул-олам” приводятся такие важные сведения о горнорудной отрасли, что горы Ферганы богаты золотом, серебром, медью, свинцом, нашатырем, ртутью, фтором, магнитом и [разными] минералами; там есть растения, которые используются в приготовлении табархун и редких лекарств [5,117]... Чаткал – район Ферганы, расположен в горных ущельях; есть городок, селений много, там добывают свинец [6,15].

В эпоху Саманидов экономические показатели Ферганы фиксировались в трудах арабских историков. В источниках “чёрные дирхемы” Саманидов названы мусайяби, мухаммади и гитрифи. В Бухаре и окрестных районах – монетами гитрифи, в Согде, Кеше, Насафе, Фергане и в одной части Уструшаны – монетами мухаммади, в Чаче, Илаке, Ходженте и в другой части Уструшаны – монетами мусаян платили поземельную подать, дань (харадж) [2,27-28]. По сведению Ибн Хурдодбега, Самарканд вносил в казну Арабского халифата 328 тысяч дирхемов

мухаммади, Бухара 1189200 дирхемов гитрифи (по сведению Яькуби, Бухара 1000000 дирхемов мисли) [12,27]. Фергана 280 тысяч дирхемов мухаммади [2,27-28], Чач 607,1 тысяч дирхемов мусайяби, Ходжент 100 тысяч дирхемов мусайяби, Уструшана 48 тысяч дирхемов и 2 тысячи дирхемов мусайяби, города, расположенные по среднему и нижнему течению Сирдарьи сдавали 46,4 тысяч дирхемов мусайяби и хорезми.

Природные условия Мавераннахра и Хорасана оказали большое влияние на развитие земледелия. После создания государства Саманидов в экономической жизни и сельскохозяйственной отрасли также произошли большие положительные изменения.

В заключении нужно сказать, несмотря на то, что VIII веке – в эпоху господства арабов наряду с другими областями Средней Азии, в Фергане также сельское хозяйство пришло в упадок, в эпоху правления саманидов оно вновь стало развиваться. Как и в начале средних веков в долине стали развиваться оросительное земледелие, садоводство, животноводство и горнорудная отрасль. Мы можем заметить, что некоторые территории специализировались только на выращивание одной продукции.

Следовательно, мы можем сказать, что экономические связи между внутренними областями Ферганы на данный период были значительно развиты, чем в другие времена.

#### Литература:

1. Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schams'o'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lunduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906.
2. Ибн Хордатбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н.Велиховой. – Баку.: ЭЛМ, 1986.
3. Ибн Ҳавқал. Китаб сурат ул-ард. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камалиддин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.
4. Ибн Хаукал. Китаб сурат ул-арз. (пер. с арабского О. ИБН Флоровой) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Т.: Фан, 1988.
5. Hudud al-'Alam. The Regions of the World. A Persian Geography 372 A.H. – 982 A.D. Translated and explained by V. Minorsky. – London., 1937.
6. Худуд ул-олам / Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О.Бўриев – Т.: Ўзбекистон. 2008.
7. جيننامه «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا نائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشىرىياتى. 2013. 735-736 س.
8. Мамадалиев Ҳ. IX-X асрлар араб манбаларида Фарғона шаҳарларининг тавсифи // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Фарғона., 2009.
9. Хамави, Йакут. Муджам ал-булдан (пер. с арабского О. Б. Фроловой и Б.Вахабовой) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент.: Фан, 1988.
10. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона., 2013..
11. Хамави, Йакут. Муджам ал-булдан. Т.3. – Бейрут, 1956.
12. Йаькуби. Книга стран (Китаб ал-булдан). Вступ., стр., пер., комментарии и указатели Л.А.Семенов. Отв. ред. Д.В.Микульский. – Москва: Вост. лит., 2011.

(Рецензент: М.Исомиддинов – доктор исторических наук, профессор).

УДК: 8-1/-9+32

**“БОБУРНОМА” АСАРИДА ЭСАН ДАВЛАТБЕГИМНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ  
ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ТАСВИРИ**

**ИЗОБРАЖЕНИЕ ЭСАНА ДАВЛАТБЕГИМА В ПРОЦЕССАХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ  
В ПРОИЗВЕДЕНИИ “БАБУРНАМЕ”**

**THE IMAGE OF ESAN DAVLATBEGIM IN PROCESSES OF THE FERGHANA VALLY IN  
“BOBURNOMA”**

**Д.Анваров<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> **Д.Анваров**

— Ўзбекистон миллий университети магистранти

**Аннотация**

*Мақолада XV аср охирида Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнларда Эсан Давлатбегимнинг роли ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тахтни эгаллашида бу аёлнинг муҳим аҳамият касб этганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.*

**Аннотация**

*В статье представлена информация о роли Эсана Давлатбегима в политических процессах Ферганской долины в конце XV века и важной роли этой женщины в захвате престола Захириддином Мухаммадом Бабуром.*

**Annotation**

*The article provides information about the role of Esan Davlatbegim in the political processes in Ferghana Valley in the late XV century and the important role of this woman in the seizure of the throne by Zahiriddin Muhammad Babur.*

**Таянч сўз ва иборалар:** Бобурнома, Фарғона водийси, Эсан Давлатбегим, оқ кигиз, хазина, Қўштегирмон, сиёсат, Ҳасан Якуб, Андижон, Ўш, Акси, Марғилон.

**Ключевые слова и выражения:** Бобурнаме, Ферганская долина, Эсан Давлатбегим, войлок, клад, Куштегирмон, политика, Хасан Якуб, Андижан, Ош, Акси, Маргилан.

**Keywords and expressions:** Baburname, Ferghana Valley, Esan Davlatbegim, felt, treasure, Koshtegirmon, politics, Hasan Yakub, Andijan, Osh, Aksi, Margilan.

Биз XV аср охири - XVI аср бошларида Фарғона водийси тарихи ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, ҳар доим тарихчилар кўз олдига албатта, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг “Бобурнома” асари келади. Ҳеч бир асарда Фарғона водийси тарихи ҳақида бунчалик аниқ маълумотлар келтирилмаганлиги учун ҳам “Бобурнома” асари ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмасдан келяпти.

“Бобурнома” асарида айнан шу даврда Фарғона водийсида яшаган кўплаб тарихий шахслар ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, асарда аёллар ҳам тилга олингани алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу аёллар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бувиси Эсан Давлатбегим жуда муҳим рол ўйнаган. Унинг шахсини ҳеч ким Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек тасвирлаб бера олмаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегим ҳақида дастлаб куйидагича маълумот берган. “Ул фурсатга Сағричи бекларнинг улуғи Шер Ҳожибек эрди, анинг қизи Эсан

Давлатбегимни олди. Мўғул тўраси била хонни ва Эсан Давлатбегимни бир оқ кийиз устига ўлтурғизиб хон кўтардилар”. Бу маълумотдан шуни тушуниш мумкинки, Эсан Давлатбегим Мўғулистон ҳукмдори Юнусхонга турмушга чиққанлигини англатади. Бундан биз Эсан Давлатбегим Юнусхон тахтга ўтираётган пайтда оқ кигиз устида бирга ўтирганини, бек қизи даражасидан тўғридан тўғри малика даражасига чиққанини тушунишимиз мумкин. Ўз ўрнида бу аёл малика бўлганидан кейин, давлат ишларида маълум даражада иштирок этганлиги тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Чунки, азалдан туркий давлатчилик белгиларида бу жараён кўп даврлардан бери яққол акс этганлигини биламиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарида Эсан Давлатбегим ҳақида фақатгина юқорида берилган маълумот билан чекланиб қолмаган. У бувиси ҳақида яна шуни ҳам айтиб ўтган. “Ҳожа Қози ва Қосим қавчин ва Али Дўст тағойи ва Узун Ҳасан ва яна баъзи давлатхоҳлар менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимнинг қошида

йиғилиб сўзни бу ерга қўйдиларким, Ҳасан Яъқубни маъзул қилиб, фитнасиға таскин берилғай. Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварита била бўлур эди”. Бу воқеа 1494-йилнинг охирларида Ҳасан Яқуб Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тахтдан тушириб, укаси Жаҳонгир Мирзони тахтга кўтаришни режалаштирган вақтда бўлиб ўтган эди. Юқорида номлари келтирилган тўрт киши ўша даврда Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган амалдорлардан бўлиб, Эсан Давлатбегим билан елкама-елка туриб бўлажак тахт ворисининг тахт учун курашида ёрдам берганлиги билиниб турибди.

Ҳасан Яқубнинг бу фитнаси амалга ошмагандан кейин, у Самарқандга Султон Маҳмуд мирзодан ёрдам олиш учун кетади. Лекин, у Конибоомга етиб борганида фикрини ўзгартириб, қутилмаганда Ахсига хужум хужум қилади. Унинг мақсади Андижонга хужум қилиш олдидан Ахсини базага айлантириш эди. Айни шу вақтда сиёсат майдонига яна Эсан Давлатбегим чиқиб келган. У ҳам бу режадан хабардор бўлиб, яна бир бор бу масалада шуғулланиш учун керакли режаларни кўриб чиқган. Ҳасан Яқуб билан бу масалани ҳал қилиш учун унга қарши кўшин кўшин жўнатилган. Икки кўшин қоронғида тўқнашади ва жанг давомида Ҳасан Яқубга ўз аскарлари томонидан ўқ узилиши натижасида у вафот этади. Шу тариқа бу муаммо ҳам Эсан Давлатбегимнинг саъй-ҳаракатлари ёрдамида бартараф этилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижонни тарк этган кунларда ҳам Эсан Давлатбегим унга раҳбарлик қилиб, қўллаб-қувватлашда давом этган. Бу аёл, набирасига Амир Темур ва Чингизхоннинг ҳарбий жасоратлари ҳақида кўплаб ҳикоялар айтиб берган. Бу эса, ўз навбатида Заҳириддин Муҳаммад Бобур учун жанговарлик санъатидаги дастлабки дарсларидан бўлган деган фикрни илгари сурсак ҳам бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бувиси ҳақида берган маълумотларидан биз бу аёл юқори даражада таълим кўрганлигини, унинг стратегия устаси эканлигини ҳамда Эсан Давлатбегимнинг уруш қоидаларидан яхши

хабардор эканлигини теран англашимиз мумкин. Ўз ўрнида бу аёл шариат ва мусулмон қонун-қоидалари ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга бўлганлигини тахминий фараз қилишимиз мумкин. Чунки, ўша даврда бирор ҳукуматни бошқаришда бевосита ислом дини қонун-қоидаларидан фойдаланилар эди. Айнан Эсан Давлатбегим набирасига ҳукуматни бошқаришда қўлидан келганча ёрдамни берганлиги бунинг исботидир.

Эсан Давлатбегимнинг чўлда туғилганлиги ва кўчманчилар давлатининг қаттиққўллигига одатланганлиги шубҳасиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қатъиятлик, жасорат ва ўзига ишониш каби хусусиятларни сингдирган ҳамда булар тахт ворисининг келажақдаги ҳаётида ажралмас хусусиятига айланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг интизомли инсон бўлиб вояга етишида Эсан Давлатбегим катта ҳисса кўшган. У Фарғона водийсида тахтни сақлаб қолишдаги дастлабки курашларда набирасининг ишонарли маслаҳатчиси бўлган. Ўша вақтдан бошлаб Эсан Давлатбегим доимо набирасининг ёнида бўлиб, унга раҳбарлик қилиб, кўплаб сиёсий муаммоларни енгишида ёрдам берган. Унинг қўлида давлат маъмуриятининг ҳақиқий маъмурий кучи ва назорати жамланган эди. Олдинги ҳарбий амалдорлар алмаштирилди ва янгилари Андижон, Ўш, Ахси ва Марғилон каби кўплаб ҳудудларнинг маъмуриятига раҳбар этиб тайинланган. Бироз олдин санаб ўтилган маъмурий марказлар Андижон, Ўш, Ахси ва Марғилон шаҳарлари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қисқа муддатда Фарғона водийсида тахтни эгаллашида муҳим стратегик аҳамиятга эгаллиги ҳам яққол билиниб турганлиги учун ҳам, маъмурий амалдорларни алмаштиришни айнан шу шаҳарлардан бошлаган деган фикр юритишимиз мумкин.

Эсан Давлатбегим набирасининг ҳар бир қарорини қабул қилишида муҳим аҳамият касб этарди. Бу аёл она ва малика сифатида валиаҳд (Заҳириддин Муҳаммад Бобур) ни дунёга келтирмаган бўлсада, унда давлат бошқарувида малака, мақсадлар бўлган ва бу мақсадларни рўёбга чиқаришда у Заҳириддин Муҳаммад Бобурни танлаганлиги ҳам бежиз эмас эди. У набирасига жуда катта ёрдам берганлигини